

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Атаев Шокир Куранбаевич

Урганч давлат университети Бош юрисконсулти

АННОТАЦИЯ

Ушбу кенг қамровли таҳлил замонавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг мураккаб механизмларини ўрганади. Тадқиқот ҳукуматлар ва тартибга солувчи органлар томонидан бизнес операцияларини назорат қилиш, назорат қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган кўп қиррали ёндашувлар, воситалар ва стратегияларни ўрганади. Амалий тадқиқотлар ва меъёрий ҳужжатларни тизимли ўрганиш орқали ушбу тадқиқот бизнесни тартибга солишнинг ривожланаётган манзараси ҳақида қимматли фикрларни тақдим этади ва унинг тадбиркорлар учун ҳам, назорат қилувчи органлар учун ҳам оқибатларини ёритади.

***Калим сўзлар:** бизнесни тартибга солиш, маъмурий назорат, қонунчилик базаси, тартибга солиш механизмлари, давлат назорати, мувофиқлик стратегиялари, тартибга солиш таъсири, бизнес оператсиялари, амалий тадқиқотлар, тадбиркорлик, сиёсат таҳлили*

ABSTRACT

This comprehensive analysis delves into the intricate mechanisms of administrative and legal regulation governing modern business activities. The study explores the multifaceted approaches, tools, and strategies employed by governments and regulatory bodies to oversee, control, and support business operations. Through a systematic examination of case studies and regulations, this research offers valuable insights into the evolving landscape of business regulation, shedding light on its implications for both entrepreneurs and regulatory authorities.

***Keywords:** business regulation, administrative control, legal framework, regulatory mechanisms, government oversight, compliance strategies, regulatory impact, business operations, case studies, entrepreneurship, policy analysis*

КИРИШ

Давлатнинг иқтисодий функцияси давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш борасида асосий йўналишларни ишлаб чиқиш, бошқариб туриш ҳамда тартибга солиб туриш, бундан ташқари, давлат бюджетини шакллантириш, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини аниқлаш,

турли хил мулк шакллари тенглик шароитида амал қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат¹.

Адабиётларда «давлат функциялари» атамаси давлатнинг ижтимоий вазифалари намоён бўладиган фаолиятининг асосий, энг муҳим йўналишларини белгилаш учун қўлланилиши баён этилади². Шу маънода бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу билан бирга, давлат томонидан тартибга солиш умумдавлат миқёсидаги ижтимоий зарурат сифатида давлатнинг иқтисодий функциясига янгича мазмун касб этмоқда. Бу борада У.А. Қодиров ҳозирги кунда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини инобатга олган ҳолда давлатнинг иқтисодий ва молиявий назорат функцияси асосий функциялардан бири эканлиги ҳақида тўхталиб ўтади³. Демак, давлатнинг иқтисодий функциялари аҳамияти ва моҳияти мавжуд шарт-шароитлар ҳамда заруратлар натижасида ўз хусусиятини намоён этади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий, ҳуқуқий (маъмурий) ва молиявий усуллар орқали амалга оширилиши таъкидланади. Масалан, Қ. Муфтайдинов бозор иқтисодиётининг объектив иқтисодий қонунлар ҳамда мамлакат парламенти томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқий-иқтисодий қонунлар билан тартибга солиниши ҳақида тўхталар экан, объектив иқтисодий қонунларга қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи кабиларни мисол келтирса⁴, Н. Бекназов бу борада бевосита, яъни иқтисодий усуллар сифатида солиқ сиёсати, даромад ва ресурсларни қайта тақсимлаш, нарх сиёсати, давлатнинг тадбиркорлик фаолияти, кредит-молия механизми, божхона сиёсати ва бошқаларни, билвосита, яъни маъмурий усуллар сифатида айрим соҳалар устидан давлат монополиясини ўрнатиш, сертификатлаш, стандартлаш, метрология, ижтимоий сиёсатларни назарда тутди⁵. С.Н. Шишкин эса иқтисодиётни давлат томонидан тадбиркорликни ҳуқуқий тартибга солишни ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шаклларга ажратади⁶. В.С. Белых ҳам юқоридаги муаллифларга ҳамоҳанг равишда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш

¹Нажимов М., Сайдуллаев Ш. Давлат функциялари: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2002. – Б. 14.

² Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т., Азизов Н.П., Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т., 2009. Б. 115.

³ Қодиров У.А. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида давлатнинг функциялари: Автореф. юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2011. – Б. 7.

⁴ Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: Иқтисод. фан. д-ри. ... дис. – Андижон, 2004. – Б. 34.

⁵ Бекназов Н. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т., 2005. – Б. 387.

⁶ Шишкин С.Н. Предпринимательского-правовые основы государственного регулирования экономики: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Москва, 2012. – С. 9, 19. (53 с.)

усулларини куйидаги икки асосий усул: иерархик (маъмурий) ва товар-пул (иктисодий) усулларга бўлади⁷. С.П. Мороз эса ушбу усулларни бевосита ва билвосита усулларга ажратади⁸. Бироқ, таъкидлаш жоизки, иктисодий усуллар ҳам, аслида, ҳуқуқ нормалари орқали амалга оширилади. Шу сабабли мазкур усулларни шартли равишда «маъмурий-иктисодий» усуллар деб аташ мақсадга мувофиқ.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг кенг қўлланиладиган усулларидан бири лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботлари ҳисобланади. Лицензиялаш мазмун-моҳияти билан давлат хавфсизлиги ва мамлакат мудофаасини таъминлаш, фуқаролар саломатлиги ва маънавиятини, уларнинг қонуний манфаатларини ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг бир тури ҳисобланади⁹.

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларида муайян фаолиятни амалга ошириш учун, *биринчидан*, маълум маъмурий тартиб-қоидалар ва шартларни адо этиш лозим; *иккинчидан*, ушбу фаолият турларини бажариш ёки амалга ошириш чоғида ҳам маълум маъмурий тартиб-қоидалар ва шартларга амал қилиниши зарур; *учинчидан*, бу жараён ижроия ҳокимиятнинг тегишли ваколатли субъектлари томонидан маъмурий тартибда назорат қилиб борилади; *тўртинчидан*, лицензиялаш ва бошқа рухсат бериш тартиботларига амал қилмаслик маъмурий жавобгарликни ёхуд бу борадаги рухсатни маъмурий тартибда тўхтатиш ёки тугатишни келтириб чиқаради.

Украина Хўжалик кодексининг 12-моддасида хўжалик фаолиятини (шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини Ш.А.) давлат томонидан тартибга солишнинг асосий воситалари сифатида маъмурий ва иктисодий усуллар (давлат буюртмаси, лицензиялаш, патентлаш ва квоталаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш, норматив ва лимитлар қўллаш, нарх ва тарифларни тартибга солиш, инвестицион, солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш, дотациялар компенсациялар, мақсадли инновациялар ва субсидиялар) бир-биридан ажратилмаган ҳолда берилган¹⁰. Мазкур ҳолатни бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари қонунчилигида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Озарбайжон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари сифатида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-

⁷ Бельх В.С. Государственное регулирование предпринимательской деятельности в РФ // Российский юридический журнал 1/2007. С. 9.

⁸ Мороз С.П. Предпринимательское право Республики Казахстан: Курс лекций. – Алматы: КОУ, 2008. –С. 100.

⁹ Умаров О.Қ. Хўжалик ҳуқуқи: Ўқув қўлланма. – Фарғона, 2008. – Б. 24.

¹⁰ [https:// base.spinform.ru](https://base.spinform.ru) – Законодательства стран СНГ.

қувватлаш, тартибга солиш, тадбиркорлик фаолият соҳасида махсус рухсат бериш (лицензиялаш)ни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва тадбиркорларнинг жавобгарлиги ¹¹ кабилар назарда тутилган бўлса, Қозоғистон Республикаси Тадбиркорлик кодексининг 81-моддасида эса тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усуллари (шакллари) сифатида тадбиркорлик субъектлари, маҳсулотлар ва тадбиркорлик процессига қонун ҳужжатларига биноан талаблар ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятининг (иш ҳаракатининг) алоҳида турларини амалга оширишда рухсат бериш ёки хабардор қилиш тартиби, техник жиҳатдан тартибга солиш, нарх ва тарифларни давлат томонидан тартибга солиш, қонун ҳужжатларига биноан тадбиркорлик субъектларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, давлат назорати (контроли), рақобатни ҳимоя қилиш ва монополистик фаолиятни чеклаш, давлат буюртмаси, қонун ҳужжатларига биноан тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини белгилаш¹² белгилаб қўйилган.

Иқтисодиётни (тадбиркорлик фаолиятини) давлат томонидан императив (маъмурий-ҳуқуқий) тартибга солишнинг норматив шаклда белгилаб қўйилишини ижобий тажриба сифатида қабул қилиш мумкин. Аммо ушбу тажрибани янада такомиллаштирган ҳолда ушбу усулларни маъмурий ва маъмурий-иқтисодий усулларга ажратган ҳолда белгилаб қўйиш тадбиркорлик фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқаришда ҳуқуқий тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усулларида кенг фойдаланилади. Бинобарин, давлатнинг иқтисодиётни ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш ва амалга ошириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни таъминлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш каби умумманфаатларни ифодаловчи функционал вазифаларни иқтисодиётга оммавий-ҳуқуқий таъсир этиш йўли билангина тўқис адо этиш мумкин.

Давлатнинг юқорида таъкидланган иқтисодий функцияси ҳам маъмурий давлат бошқаруви, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари билан тўлиқ рўёбга чиқарилади.

¹¹ [https:// base.spinform.ru](https://base.spinform.ru) – Законодательства стран СНГ.

¹² <http://www.zakon.kz>.

Давлат бозор муносабатлари субъектларига иқтисодий эркинлик бериш билан бирга, улар риоя қилишлари керак бўлган қоидаларни белгилаб қўяди ва зарур ҳолларда бу қоидалар бажарилишини таъминлайдиган мажбурий чоратадбирларни ҳам қўллайди¹³.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «усул» сўзи «бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли; ҳаракат тарзи, хили тартиби; йўл»¹⁴ деб изоҳланган. Х.Х. Одилқориев ҳуқуқий тартибга солиш усулини жамиятдаги мавжуд ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ воситасида қўлланиладиган усул, восита ва йўллар мажмуи деб таърифлайди¹⁵. Ўзбекистон юридик энциклопедиясида ҳам шу мазмундаги фикр билдирилиб, ҳуқуқий тартибга солиш усули ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш усули¹⁶ деб таърифланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифатини маъмурий-ҳуқуқий таъминлашда эътибордан четда қолаётган яна бир масала бу – товарлар, ишлар ва хизматларнинг маънавий хавфсизлиги ҳисобланади. Тан олиш зарурки, товарлар, ишлар ва хизматларнинг маънавий хавфсизлиги мезонлари ва стандартлари ҳамда уларни таъминлаш механизми бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Зеро, бугунги шиддат билан ривожланаётган жараёнларда маънавий хавфсизлик ўз миқёсига кўра глобал аҳамият касб этмоқда.

¹³ Ерназаров С.Е. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг иқтисодий вазифаларининг муаммолари: Иқтисод. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1995. – Б. 61.

¹⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008) // https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20U.pdf.

¹⁵ Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т., Азизов Н.П., Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т., 2009. Б. 345-346.

¹⁶ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳиддинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев.–Т.: Адолат, 2009.–704 Б. 654.